Ушбу сонда:
2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН — ЖОН!
3 TV — ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 май, шанба №81 (1095)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



СПОРТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

«Олимпиада умидлари — 2001» мусобақалари истеъдодлиларни камол топтиришда муҳим омил бўлди

Шукурлар бўлсинким, том маънодаги бахтли ҳаётга, бекиёс имкониятга эга бўлганимизга ҳам салкам 10 йил бўлаётир. Чексиз фахр-ифтихор ила айтиш мумкин: ушбу қисқа вақт мобайнида бошқа соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам ҳавас қиларли юксалишга эришдик. Озод Ватанимиз байроғи неча бор халқаро майдонларда ғолибона ҳилпиради, мадҳиямиз янгради. Бир сўз билан айтганда, жаҳон Ўзбекистон аталмиш юртни қайта кашф этди. Бинобарин, соғлом авлод равнақи йўлида спорт оммавийлигига эришиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишлари, қолаверса, юзлаб истеъдодли ёшларни катта спорт майдонига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этаётир.



Куни кеча катта тантаналар билан якунланган мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Олимпиада умидлари — 2001» республика спорт мусобақалари хусусида ҳам худди шундай мулоҳаза билдириш мумкин. Зеро, салкам ўн кун давомида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 2 мингга яқин ўқувчи ёшлар иштирокидаги қизғин, муросасиз ва айтиш жоиз бўлса, дўстона беллашувларнинг гувоҳи бўлдик. Учрашувларни кузата туриб, юртимиз чиндан-да истеъдодларга бой эканлигига, бу каби мусобақалар эса ушбу истеъдодларни камол топтиришда муҳим рол ўйнаётганлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Айтганча, наманганлик теннисчи қизларнинг бу хусусдаги фикрлари мулоҳазаларимизга ҳамоҳангдир.

Саида Қодирова, Чуст шаҳридаги 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси:

— 6 йилдан буён Муҳаммаджон ака Ҳомидов мураббийлигида стол тенниси машғулотларида қатнашаман. Шахсий биринчилик баҳсларида фахрли учинчи ўринни қўлга киритдим. Бундан ташқари, турли вилоятлардан кўплаб дугоналар, дўстлар орттирдим.

Мадина Аюбова, Чуст шаҳридаги 9-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:

— «Олимпиада умидлари — 2001»да менга иккинчи ўрин насиб этди. Барибир, жуда хурсандман. Барча тенгдошларим номидан ишонтириб айтаманки, келажакда халқаро ўйинларда, олимпиадаларда албатта зафар қучамиз.

Мусобақалар яхши ният ила «Олимпиада умидлари» дея номланганлигига эътибор беринг-а. Буни шундай мажозга йўйдик: бугун мусобақалашган ўқувчилар эрта-индин Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишса, ғолиб келишса, не ажаб.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

Ишловчилар фарзандларини соғломлаштириш масаласи касаба уюшмаларининг бош вазифаларидандир. Бу борада сўнгги йилларда Наманган вилоятида эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Хўш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бу йил қандай кечди? Ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

— Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг аввало соғлом, бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Равзахон Деҳқонова. - Бунга эришишда соғломлаштириш масканларининг алоҳида ўрни бор. Шу ўринда ўтган йилги манзарага бир назар ташлаб ўтайлик. Мавсумда вилоят бўйича 29 та шаҳардан ташқари, 17 та кундузги мактаблар қошидаги оромгоҳларда 20 мингдан ортиқ болалар кўнгилли дам олдилар. Касаба уюшмалари ташаббуси ҳамда ташкилотчилиги билан кўпгина хўжалик ташкилотлари серфарзанд, кам даромадли оилаларнинг фарзандлари учун оромгоҳлар йўлланмаларига тўланадиган маблағларни ўз зиммаларига олдилар. Лўнда ифодалаганда, дам олганларнинг 65 фоизи бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Бахтга қарши, яхши ишлар, тажрибалар билан бирга баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бир қатор касаба уюшма қўмиталари ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг эътиборсизлиги, совуққонлиги оқибатида сўлим масканларни зарур анжомлар, истеъмол неъматлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилди. Айниқса, радио, телевизор, спорт анжомлари етишмади. Кутубхоналарда китоблар кутилган даражада бўлмади. Автотранспорт билан таъминлашдаги кўзбўямачиликлар болаларни, уларнинг ота-оналарини қаттиқ ранжитди.

Яқинда жорий йил мавсумига қандай тайёргарлик кўрилганлиги назардан ўтказилди. Таъкидлаш жоиз, сабоқлардан муайян даражада хулоса чиқарилган. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилотлар ва касаба уюшма қўмиталари билан ҳамжиҳатликда аниқ тадбирларни амалга оширишяпти. Вилоят алоқа бошқармасига қарашли «Ёш алоқачи», Наманган тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятининг «Камалак», «Атлас» ҳиссадорлик жамиятининг «Атлас», Уйчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг «Ҳумо» болалар оромгоҳларини мавсумга ҳозирлашга масъулият билан ёндошилган. Мавжуд бинолар, шоҳобчалар вақтида таъмирланди, ён-атроф ободонлаштирилди. Сўлим масканларга жиҳозлар вақтида келтирилди. Уларда фаолият юритадиган ходимларни танлашга масъулият билан ёндошилди.

Бироқ, ҳамма ишлар жойида, дейиш қийин. Муҳим ишга панжа орасидан қараётган кишилар оз бўлса-да ҳали ҳам бор. Жумладан, Наманган туманидаги «Соҳил» болалар оромгоҳида тайёргарлик ишлари жуда кеч бошланган. Бинолардаги водопровод ва канализация тармоғини таъмирлашга киришилмаган. Сув ҳавзалари қандай бўлса, шундайлигича турибди. Тиббий ёрдам хоналари айниқса таъмирталаб. Керакли жиҳозлар етишмайди. Ўринли савол туғилади: ҳадемай болалар оромгоҳлар сари ошиқадилар. Наҳотки, «Соҳил»дагилар ҳеч қандай тайёргарликсиз уларни қарши олишни ўйлашаётган бўлса?

Яхши ишларнинг қаноти бор. Вилоят матлубот савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан Чортоқ туманида бир навбатда 160 нафар бола ҳордиқ чиқарадиган ажойиб оромгоҳ қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу ўғил-қизларимиз учун энг яхши совғадир.

Ж.ОБИДОВ.

ЯКУНИЙ БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

Фарғона вилоятининг Қиргули туманидаги «Нефтчи» ўйингоҳида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия-спорт жамияти маркази ҳамкорлигида Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилаётган меҳнаткашларнинг «Саломатлик» республика спартакиадасида якуний мусобақалар бошланди. Унда Қорақалпоғистон республикаси, мамлакатимиз вилоятларидан келган тўрт юздан ортиқ спортчи ёшлар уч кун давомида мини-футбол, тош кўтариш, стритбол, дартс, стол тенниси, енгил атлетика бўйича ўзаро баҳслашади.

- Мазкур спартакиада жойларда меҳнаткашларнинг соғлигини тиклаш, спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш, спорт-соғломлаштириш ишларини кучайтиришга хизмат қилади,- дейди Касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши раиси Анваржон Юнусов. - Мусобақаларни ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шароит яратдик. Спорт ўйингоҳлари, дам олиш хоналари, кўнгилочар маданий тадбирлар спартакиаданинг қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ турдаги акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми тобора ортмоқда. Бу ерда тайёрланаётган темир-бетон шпаллари, айниқса, харидоргир бўлаётир. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида истеъмолчиларга 790 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўпдир.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Корхонанинг Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон темир йўллари реконструкцияси учун шпал етказиб бериш бўйича ўтказган халқаро тендерда ғолиб чиққани буюртмаларни кескин ошириш имконини берди. Айни кунларда маҳсулотнинг салмоқли қисми «Тошкент -Самарқанд» йўналишидаги пўлат изларни қайтадан ётқизишга жўнатилмоқда. Эйвалекчилар мазкур лойиҳа учун икки ярим йил давомида 690 минг дона шпал етказиб беради.

Корхонада тайёрланаётган темир-бетон қувурларга ҳам талаб катта. Бу маҳсулотга яқинда қўшни Туркманистондан катта буюртма тушди. Шунга мувофиқ, жорий йилда 20, келгуси йилда 40 шартли километр ҳажмида, жами 12 минг дона /айланаси 800 ва 1000 миллиметрли/ қувур етказиб берилади. Маҳсулотлар экспорти валюта тушумининг кўпайишига, бинобарин, ишлаб чиқаришни модернизациялашни тезлаштириш имконини берди.

(ЎзА).

ЯНГИ ҲАВО КЎПРИГИ

Тошкентда Исроилнинг «Эл-Ал» авиакомпанияси ваколатхонаси очилди

Исроил давлатининг миллий юк ташувчиси бўлган «Эл-Ал» жаҳоннинг ривожланаётган авиакомпанияларидан биридир. Унга 1949 йилда Исроил давлати ташкил этилиши билан асос солинган эди. Бугунги кунда авиакомпания самолётлари 4 қитъадаги 45 та шаҳарга учмоқда. Авиакомпания 31 та «Боинг» самолётига эга бўлиб, унинг йиллик пул айланмаси 1,3 миллиард АҚШ долларига етади.

Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги ҳаво қатнови 1992 йилда йўлга қўйилган. Ваколатхонани очиш маросимида сўзга чиққан Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ноах Гал Гендлер «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг биринчи халқаро рейси унинг давлатига амалга оширилганини таъкидлади. У «Эл-Ал» офисининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ва Исроил ўртасида ҳаво қатновлари соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. 1992 йил июл ойида ҳар икки давлат ҳукуматлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, авиаюкташувчиларнинг мақсади ва тижорий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Орадан 2 йил ўтгач, ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Эл-Ал» авиакомпаниялари ўртасидаги ҳамкорлик мазкур ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жорий йилда авиакомпаниялар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Исроил авиакомпаниясининг «Боинг-747» самолётларига Тошкент аэропортида техник хизмат кўрсатиш, миллий авиакомпания юк самолётларини «Бен-Гурион» аэропортида қабул қилиш, Исроил авиакомпанияси ҳаво кемаларини ёқилғи билан таъминлаш ва бошқа масалалар ҳал этилди. Буларнинг барчаси ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини янада кенгайтирди.

«Эл-Ал» авиакомпаниясининг минтақавий директори Шалом Захавининг хабар беришича, Ўзбекистон ва Исроил ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги битимга мувофиқ Тошкентдаги ваколатхона авиачипталар сотиш билан шуғулланади. Ўзбекистон томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Тошкент-Тель-Авив йўналишида қатновчи мунтазам рейсларида йўловчи ўринлари учун квоталар ажратилди. Транзит йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида «Эл-Ал»нинг Тошкентдаги офисида авиакомпаниянинг Тель-Авивдан қатнайдиган барча йўналишларига авиачипталар сотиб олиш имконияти яратилди.

Ваколатхона авиачипталар сотишдан ташқари туризмни ривожлантириш билан ҳам шуғулланишни режалаштирмоқда. Олти миллионли Исроил аҳолисининг уч миллиони, яъни ҳар икки фуқародан биттаси ҳар йили дунё саёҳатига чиқишини ҳисобга олсак, бу борадаги ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

(ЎзА).

ҲУНАРМАНДЛАР ГРАНТ ОЛДИ

«Ҳунарманд» республика уюшмасининг Шаҳрисабздаги туманлараро бўлими Япония элчихонасининг 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди. Бўлим раҳбари Гулнора Одиловнинг айтишича, ушбу грант ҳисобига Шаҳрисабзда халқ амалий санъати галереяси ташкил этилади. Шунингдек, грант маблағидан воҳада заргарлик, кандакорлик каби энг қадимий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклаш мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Айни пайтда мазкур уюшма бўлими қатор хорижий ҳамкорлар билан яхши алоқа ўрнатган. Бўлим шартнома асосида чет элга миллий каштачилик маҳсулотлари, жумладан, дўппи, ҳамён, ёстиқ, нимча, сўзаналарни экспорт қилмоқда.

ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗ

юзага келишининг сабаблари нимада?

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодиётнинг мулкчилик негизлари, халқ хўжалигини бошқарув усуллари, тамойиллари янгиланди. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги аввало раҳбар кадрларнинг билими ва тажрибасига боғлиқдир.

Вилоятдаги хўжаликлар, корхона ва ташкилотларда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича аниқ режалар тузилган. Бироқ айрим раҳбарларнинг уқувсизлиги туфайли иш юритишда эскича услуб сақланиб қолмоқда.

Назорат органлари томонидан йилнинг биринчи чорагида 4 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлардаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Баъзи жойларда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Яъни 241 ташкилотда даромадлар камайтириб кўрсатилганлиги маълум бўлди. Бюджетга катта миқдордаги қўшимча даромад ундириб олинди. Юридик шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ хўжалигида ҳисобкитоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонининг бажарилиши назоратда турибди. Хусусан, солиқ органлари томонидан ўтказилган режали текширишларнинг анчасида ушбу муҳим ҳужжат талаблари бузилаётганлиги аниқланди. 86 та корхона ва ташкилотларда маҳсулотлар олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирилмасдан жўнатилган. 633 та ташкилотда муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд. Бундай ҳолатга йўл қўйганликлари учун мансабдор шахслар жаримага тортилдилар.

Қарши туманидаги электр тармоқлари корхонаси олдиндан 15 фоиз ҳақни олмасдан истеъмолчиларга 2 миллион 250 минг сўмлик, Ғузор туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги 1 миллион 120 минг сўмлик маҳсулот жўнатган. Бу корхоналар раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли қарзлар камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда.

Деҳқонобод туманидаги «Белибой» кооператив ширкат хўжалигида муддати ўтган 2 миллион 497 минг сўмлик дебитор қарздорликка йўл қўйилган. Касби туманидаги «Деҳқон» савдо корхонасининг ҳам қарзлари мавжуд.

Кўриниб турибдики, айрим раҳбару мутахассислар бурч масъулиятини чуқур ҳис этмаётирлар. Ўзибўларчилик, ҳисобини билмаслик эса қимматга тушмоқда.

ЁЛҚИН.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!



Жасоратинг қалбимизда

ЧАҚМОҚДЕК ЁРҚИН УМР

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Кимдир узоқ умр кўради-ю, оламдан ўтгач, унинг айтарли эслайдиган томони бўлмаслиги мумкин. Бошқа бир одам эса ўзидан муносиб из қолдиради.

Чақмоқдек чақнаб умр кўрган Отабек Муҳаммадиевнинг номи ҳам мангуликка даҳлдор.

У Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Очамайли қишлоғида вояга етди. Отабек 1995 йили ҳарбий хизматга — йигитлик бурчини ўташга отланди. Оловқалб йигит Қуролли Кучларимиз сафида астойдил хизмат қилиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини амалда исботлади. Энг муҳими, Ватанни кўз қорачиғидек асраш олий бахт эканлигини дилдан ҳис этди.

Отабек ўз тенгқурлари сафида ҳарбий хизматни кўнгилдагидек ўтаб юрган бир пайтда Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларидаги тоғли чегаралардан бир тўда манфур террорчилар муқаддас тупроғимизга суқилиб кирмоқчи бўлдилар. Ўшандай таҳликали дақиқаларда бу довюрак йигит ҳам қуролдошлари сафида ғанимларни даф қилишга отланди. Душман билан юзма-юз курашда фаол иштирок этди. Лекин жангарилар деярли қириб ташланиб, сўнгги тозалаш операциялари амалга оширилаётган чоғда Отабекни дайди ўқ қувиб етди...

Унинг ўлими отаси — Боғбон фуқаролар йиғини меҳнат бўлими инспектори Аваз Муҳаммадиевнинг, онаси, Очамайли қишлоқ врачлик амбулаторияси орастабони Тошбиби Тўраеванинг қаддини дол этди. Уларнинг Отабекдан умидлари катта эди. Уни яхши ниятлар билан яқиндагина уйлантирган эдилар.

Отабек чақмоқдек ёрқин, бироқ чақмоқдек қисқа умр кўрди. Лекин шоир айтгани каби, умрлар бор, тиригида ўликдир, Умрлар бор, ўлигида тирикдир. Китоблик ватанпарвар йигит жасорати бир умр қалбимиздадир.

Ш.НЕЪМАТОВ,
журналист.
Ф.ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар Давлат архиви директори.

Китоблар аскарларимизнинг энг яқин дўсти. Ҳарбий машқлардан сўнг севимли китобингни қўлга олишнинг ўзгача завқи бор. Н. қисм жангчилари фарғоналик Шавкат Қорабоев (чапда) билан Наманган вилоятининг фарзанди Илҳомжон Аҳмедов ҳам бўш қолди дегунларича кутубхонага ошиқадилар.



Касаба уюшма фаоллари — аскарлар ҳузурида

ЧЕГАРАЧИЛАРГА ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

Наманган — Фарғона водийсида ҳудудий жиҳатдан энг йирик вилоят саналади. Унинг ҳудуди икки қўшни давлат — Тожикистон ва Қирғизистон республикалари билан туташиб кетган. Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлганидек, вилоятнинг чегара ерлари миллий армиямиз аскарлари томонидан кечаю кундуз, ҳар қанақа об-ҳаво шароитида, йилнинг барча фаслида ғоят хушёрлик ва зийраклик билан қўриқланмоқда.

Халқ ишига содиқ чегарачиларимиз ўз бурчларини тўла-тўкис бажаришлари учун маҳаллий аҳоли, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари яқиндан кўмак бермоқдалар. Бу борада касаба уюшмалари ҳам алоҳида ибрат кўрсатаётганликларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижроия қўмитасининг 2001 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон чегара қўшинлари қисмларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида»ги Қарорига биноан вилоят касаба уюшмалари вакиллари вақти-вақти билан чегара постларида бўлишиб, аскарларимиз ҳолидан хабар олиб туриш, маънавий ёрдам уюштиришни ўз фаолият дастурларига киритганлар. Бинобарин, кенгаш ҳамда тармоқ қўмиталари вакиллари чегарачилар ҳузурига бот-бот ташриф буюриб турибдилар.

Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг мазкур қўмита раиси Мираббос Жалилов бошчилигидаги вакиллари ана шундай чегара қисмларидан бирининг аскарлари ҳузурида бўлдилар. Ушбу чегарачилар қисми билан биз тилга олган тармоқ қўмитаси ўртасида икки йилдан бери дўстона алоқалар давом этиб келаётганини айтиб ўтиш керак. Ўзаро келишувга кўра, жангчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиб беришда яқиндан ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган эди. 2000 йилда чегарачиларга 65 минг сўмлик спорт анжомлари тақдим этилди. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилиб, аввалги йилдагидек спорт анжомлари, бундан ташқари маънавият ва маърифатга оид совғалар топширилди. Ушбу тадбирга бағишланган маросимда чегарачилар қисми командири Маҳмуд Аҳмедов, аскарлардан Улуғбек Каримов, Санжар Хуррамов, Сирожиддин Исломовлар сўзга чиқдилар ва ўзларига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЮРТИМ ПОСБОНИ

Мустақил юртимнинг мард ўғлонлари,
Муқаддас Ватаннинг чўнг қалқонлари,
Шербилак, шерюрак юрт посбонлари,
Ватан сарҳадларин мардлар қўриқлар.

Юртимда нурли кун тонги отмоқда,
Ватан лочинлари қанот қоқмоқда,
Темур бобом қони сизда оқмоқда,
Ватан сарҳадларин мардлар қўриқлар.

Сиз борсизки, юртга ғаним йўлолмас,
Эл сотган юртфуруш қадам қўёлмас,
Элни деб ёнмаган элдан бўлолмас,
Ватан сарҳадларин мардлар қўриқлар.

Шаънингизга шеърлар битгум мен абад,
Сизга йўлдош бўлсин сабру-қаноат,
Оллоҳдан омонлик тилайман фақат,
Ватан сарҳадларин мардлар қўриқлар.

Камола РАҲМОНОВА,
Жиззах тумани Т.Собиров номли мактабнинг 9-«а» синф ўқувчиси.

ФАРЗАНДИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Яқинда Тошкент шаҳрида хизмат қилаётган ўғлим Ҳасанбойдан хат олдим. «Ота, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, деб ёзибди у. Яқинда ҳарбий қасамёд қабул қилдик. Мен ҳам ўз сафдош дўстларим қатори она юртимиз — Ўзбекистонни кўз қорачиғидек қўриқлашга тантанали равишда қасам ичдим. Мендан асло хавотир олманглар. Бу ерда яхши дўстлар орттирдим. Улар билан ака-укадек бўлиб кетдик. Армия йигит кишини кўп нарсаларга ўргатар экан. Ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан ривожланар экансан киши...»

Ўғлимнинг бу мактубидан менинг ҳам онасининг ҳам юракларимизга ёруғлик тушди. Ахир аввалги, мустабидлик йиллари ҳарбий хизматнинг қанчалик оғирлигини яхши биламиз. Мен ўзим узоқ Сибир тайгасида хизмат қилиб кўп нарсани кўрдим. Оғир йўқотишларни бошдан кечирдик. Энди эса мустақиллигимиз туфайли фарзандларимиз ўз она юртларида хизмат қилаяптилар. Ўзларини оқ ювиб, оқ тараган Ватанни ҳимоя қилмоқдалар.

Мен телевидение орқали «Ватанимга хизмат қиламан», «Мардумайдон» кўрсатувларини доимо кўриб бораман. Аввалги армия билан ҳозирги Қуролли Кучларимиз ўртасидаги тафовут ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Бу нарса мустақиллигимиз шарофатидан эканини яхши тушунаман. Қуролли кучларимизнинг устунлари бўлмиш офицер ва аскарларимизга куч-қувват тилайман.

О.ШОМУРОДОВ,
Мирзобод тумани.

Оддий аскар Латиф Маликов катта сержант Баҳодир Асадов командирлик қилаётган бўлинмада хизмат қилади. Посбон бу ерда 6 ойлик ўқув давомида соҳа сир-асрорларини пухта эгаллади.

ЧИНИҚИШ

Синов машғулотларини бошқа сафдошлари каби Латиф ҳам полигонда топширди. Текширувчи ва кузатувчиларнинг эътиборини қозонишга оддий аскар Маликовнинг дала машғулотлари давомида ҳам ҳисоблаш техникасини, ҳам разведкани мукаммал эгаллаганини кўрсата олгани сабаб бўлди. Бу тайёргарликларнинг ҳар биридан аъло баҳода ўтди.

— Оддий аскар Маликовга ўхшаган илғор посбонларимиз кўп. Улар ўқув марказимизнинг намунали курсантларидан. Мана, сабоқлар ҳам ниҳоясига етди. Назарий билимларини амалиётда — далаўқув машғулотларида муваффақият билан кўрсатишди ҳам. Ҳозирда уларнинг асосий қисми бошқа қисм ва бўлинмаларда хизматларини давом эттиришмоқда. Ишонаманки, Латифжонга ўхшаган шогирдларимиз ҳеч қачон бизларнинг юзимизни ерга қаратишмайди, — дейди шартнома бўйича хизмат катта сержанти Баҳодир Асадов.

И.ҚУРБОНОВ.

«Ватанпарвар» ташкилотлари ҳаётидан

ЖОБИР ПОЛВОН ШОГИРДЛАРИ

Жобир полвон Яздоновни фақатгина Қашқадарёда эмас, балки республикада ҳам яхши билишади. Зотан, у халқаро мусобақаларнинг совриндори, миллий кураш ва самбо бўйича спорт устасидир. Бу дилкаш инсон 22 йилдан буён Нишон тумани мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Ташкилот фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ хўжалиги учун оммавий касбдаги ходимлар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширди.

— Жамиятимиз ҳисобида 22 та бошланғич, 27 та цех ташкилотлари бўлиб, у ўз қаторларида 12600 нафар аъзони бирлаштириб турибди, — дейди биз билан суҳбатда Жобир полвон. — оммавий мудофаа ва спорт ишлари даражасини кўтариш, ёшларнинг илмий-техник ижодкорлигини ривожлантириш тадбирлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Жамоа ташаббуси билан яқинда Нишон агроиқтисод коллежи, бизнес мактаби, Аҳмад Яссавий номли, «Нишон» умумтаълим мактабларида «Авлодлар жасорати» мавзусида фахрийлар билан учрашувлар ўтказилди. Унда уруш қатнашчилари Ш.Носиров, Т.Ғойибов, М.Маматов, О.Худойқулов, байналминалчи жангчилар Ш.Бекмуродов ва М.Холмирзаевлар бўлғуси жангчилар билан учрашдилар.

Йил бошида туман бўйича ёш мерганлар мусобақаси уюштирилиб, унда Акмал Икромов номли мактаб спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Худди шу билим даргоҳи жамоаси «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида вилоят бўйича совринли ўринни қўлга киритди. Туман мотоциклчилари ҳам мусобақаларда пешқадамлик қилишаётир.

Ташкилот спорт-техника клубининг моддий базаси мустаҳкамланиб бормоқда. «Маънавият ва маърифат» хонаси ишлаб турибди. Машғулот ўтиладиган хоналар етарли даражада кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Яқинда бу ерда вилоят «Ватанпарвар» ташкилотининг кўчма ҳайъат йиғилиши ўтказилиб, мудофаага кўмаклашувчи бу туман ташкилотининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортнинг техник-амалий турларини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти маъқулланди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: катта сержант Икром Файзиев — бокс бўйича спорт устаси, капитан Алижон Хўжаев — самолётларнинг «доктори».

Сергаклик — аскарга хос хислат
Н.ЮСУПОВ олган суратлар.

«ҚЎШИҚ БИЗГА ҲАМИША ҲАМРОҲ»

Яқинда республикамиз ҳудудидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган жиянимизни йўқлаб бориб, ажойиб манзарага дуч келдик. Уларнинг қисмидаги жангчиларнинг ҳаммаси шу ердаги улкан ўйингоҳга йиғилган эдилар. Ҳаммаёқда шодлик нафаси кезарди. Ўйингоҳ ўртасида чиройли ҳарбий кийимдаги йигит ва қизлар ўзбекона қўшиқларни ижро этишар, лапарлар айтишар, рақсга тушардилар. Аскарлар уларга жўр бўлган ҳолда қарсак чалишарди.

Шунда жиянимиз хизмат қилаётган қисмга республикамиз Қуролли Кучларининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Марказий ашула ва рақс ансамбли ташриф буюрганини билдик.

— Ансамблимиз аъзолари республикамиз Қуролли Кучларининг турли хил қисмларида тез-тез бўлишиб офицер ва аскарларимиз хузурида мана шундай концертлар бериб туришади, - деди биз билан суҳбатда ансамблнинг бадиий раҳбари Авазбек Маллабоев. — Биз мард ўғлонларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганимиздан ғоят бахтиёрмиз.

Биз офицер ва аскарлар билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг барчаси концертдан ғоятда мамнун эканликларини чин дилдан изҳор этишди. Уларга, айниқса хонандалар лейтенант Шуҳрат Дадажонов ва катта лейтенант Камолиддин Раҳматов ижро этган қўшиқлар, шунингдек қизлар ижросидаги лапарлар, уларга кўмаклашиб ўз санъатини намойиш этган таниқли хонанда Юлдуз Абдуллаеванинг чиқишлари хуш ёқибди.

Қ.СОБИРОВ,
Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбирлари.

TV дастури

28 май - 3 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Паҳлавон Маҳмуд».
9.00 «Ёшлар куйлаганда».
9.15, 12.25 ТВ метео.
9.20 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
9.40 «Саньат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Пилигрим» кемасининг капитани». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.30 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.00, 15.45 ТВ анонс.
13.10 «Олам». Телеальманах.
13.45 ТВ 1 намойиш этади.
14.10 «Қишлоқ хаёти».
14.25 Кундузги сеанс: «Пазанда». Бадиий фильм.
15.30 «Ватанпарвар».
15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.15 ТВ-клип.
16.20 «Бугуннинг аёли».
17.00 «Гольф-клуб».
17.15 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.



20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.50 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 «Маънавият» дастури.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Тақдир иноъоми». Бадиий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.55 Кўрсатувлар дастури.
12.00 «Давр» ҳафта ичида.
12.40, 15.40 Мусиқий лаҳзалар.
12.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 10-қисм.
13.15 Синфдош. Сўнгги қўнғироқ.
13.40 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрининг спектакли.
15.15 Саломат бўлинг.
15.50 Жаҳон жуғрофияси.
16.40 Спорт ҳафтаномаси.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Миллий қадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.05 «Менинг замондошим» туркумидан: «Тикланиш йўлидан». Хоразмлик ёш тадбиркор К. Жумамуродова ҳақида («Ўзбектелефильм»)
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Ватан мадҳи».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Хайр, мактаб.
19.45 «Илдиз ва япроқ». Абдулла Орипов.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 1-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.15 Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Тараққиёт йўлида».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 ТТВда сериал: «Селеста».
23.35 «Мусиқий меҳмонхона».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Тиббиёт одимлари».
17.25 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.35 «Саёҳатлар олами».
РЖТ
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.00 Кинематограф. «Бехосият бойлик». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Номаълум Қизилқум».
9.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
9.45, 13.05 ТВ метео.
9.50 «Сеҳрли анор». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Кундузги сеанс: «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
11.25 «Кувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
11.55, 14.40 ТВ-клип.
12.05 «Маънавият» дастури.
13.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. М. Узоқов ва Ж. Султонов номидаги III Республика хонандалар кўрик-танлови.
13.50, 16.50 ТВ-анонс.
14.10 «Шоҳрух клуби».
14.50 Кундузги сеанс: «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.
16.00 «Номимни ҳам сўраманг». Теленовелла.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Ғорзулар довони».
18.45 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.15 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Шу азиз Ватан - барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Қашқадарё.
21.30 «Мусиқа: кеча ва бугун».
22.00 «Ифтихор».
22.20 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 13.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Хайр, мактаб.
10.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Ватан мадҳи».
10.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 11-қисм.
10.45 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.55 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 1-қисм.
14.40 Автосалтанат.
14.55 Ёшлик наволари.
15.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 89-қисм.
16.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 12-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.30 Таянч.
17.45 Ёшлар куйлайди.
17.55 Хайр, мактаб.
18.05 Ватан манзаралари.
18.25 Олтин мерос.
18.30 Авторейд.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Равшан Комилов куйлайди.
20.10 Марду-майдон.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
0.10-0.15 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 «Сўҳбатдош».
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00.
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
17.55 «Баркамол авлод наволари».
18.40 «Зарби қаттиқ қуч». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Клип-антракт».
21.50 Кинематограф. «Кўчадаги ҳангомалар». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зардўслар», «Дўппи».
9.15 Лирик тароналар.
9.45, 12.35 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.20 Кундузги сеанс: «Оқ шудринг қишлоғи». Бадиий фильм.
11.45 «Камолот сари».
12.05 «Мусиқа: кеча ва бугун».
12.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.50 ТВ-клип.
14.10 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.55 ТВ-анонс.
15.00 Кундузги сеанс: «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
16.25 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
16.50 «Кўзмунчоқ».
17.10 Экранда -телесериал. «Қалбим чечаги». 2-қисм.
18.10 Болалар учун. «Оромгоҳлар сизни кутмоқда».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 ТВ-клип.
18.45 «Умр мазмуни».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.20 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Академия»-«Дўстлик».
22.45 «Олам». Телеальманах.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00". Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9,35 «Мульттомоша».
9.50, 16.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 12-қисм.
10.40 Хайр, мактаб.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 Болалар экрани. «Соҳибжамол ва маҳлуқ».
13.15 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
13.35 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 2-қисм.
14.25 Авторейд.
14.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 13-қисм.
15.05 Телефильм
15.25 «Садо» саҳифаларидан. Мусиқий дастур.
15.45 Миллий қадрлар тайёрлаш дастури амалда: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги лицей.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
16.45 «Мульттомоша».
17.00 Ёшлар куйлайди.
17.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.10 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.35 Хайр, мактаб.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Сийрат.
19.55, 20.25, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.30 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.15 «Аёл қалби наволари». Гулбаҳор Сулаймонова.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».
21.45 Олтин мерос.



22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25 - 1.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Ҳуқуқимиз кафолати».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўз касбининг фидойилари».
22.35 «Ўзбегим навоси».
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00.
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 Р. Файнс «Викторина» фильмида.
ЎзТВ - IV.
23.15 «Бизнес-ревю».
23.25 «Клип-антракт».
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
24.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Шаршара».
9.05, 12.25 ТВ метео.
9.10 Дутор ва танбур тароналари.
9.30 «Беодоб бола». Мультфильм.
9.40 «Умр мазмуни».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 Кундузги сеанс: «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
11.35 «Кўзмунчоқ».
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
12.30 «Енгоқ новдаси». Мультфильм.
12.50 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
13.15 «Олам». Телеальманах.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Бизга аталган кун».
14.25 Болалар экрани: «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
15.25 «Ҳуқуқ сабоқлари».
15.40 «Орзулар қанотида».
15.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Навбаҳор», «Бухоро» - «Насаф».
17.25 Халқаро ҳаёт - шарҳловчилар нигоҳида.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Мусиқий альбом.
18.15 «Таянч нуқтаси».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.40 «Ривож».
21.50 «Футбол олами».
22.10 «ТВ-клуб».
22.30 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
9.35 «Мульттомоша».
9.50, 10.55, 13.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Сийрат.
10.20 Хайр, мактаб.
10.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 13-қисм.
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Мени тушун...» Телеўйин.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.05 Сенинг вақтинг.
14.25 Спорт-қитъаси.
14.55 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 3-қисм.
15.35 Ватан манзаралари.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 14-қисм.
16.20 Очун.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.10 «Мульттомоша».
17.25 Ёшлар куйлайди.
17.35 Хайр, мактаб.
17.45 Тараққиёт.
18.00 Мухлис.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Ёшлар қўшиқлари.
20.00 Ёшлар овози.
20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 4-қисм.
21.20 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Бегойим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 ТТВда сериал: «Селеста».
23.35 «Интер спорт».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Менинг сўнгги тангоим».
1.40-1.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
РЖТ
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьев «Судлов жараёни» дастурида.
18.45 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
19.25 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «СНН-шоу».
21.10 «Кино сайёраси».
21.30 «Бебилиска пул». Сериал.
22.20 «Х-Спорт».
22.35 «Джаз». Игорь Бутманнинг концерт дастури.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Зиё маскани».
9.10, 12.30 ТВ-метео.
9.15 Болалар учун. «Саньат ғунчалари».
9.40 «Футбол олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
11.30 «Цирк, цирк, цирк».
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Сурхондарё вилояти.
12.35 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.55 «Болаларга салом берайлик». Бадиий-мусиқий дастур.
13.30 «Саҳна ҳаёти».
14.10 «Болаликнинг мовий осмони».
15.10 Болалар экрани: «Золушка учун «уч ёнғоқ». Бадиий фильм.
16.35 ТВ-клип.
16.45 «Муҳофаза».
16.55 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.10 Киносовға.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат ва одамлар».
21.20 «Қўшиқларимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
21.55 «Толеи ёруғ одамлар».
22.05 Экранда кинокомедия: «Тоғлик қуёв». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Олам». Телеальманах.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.35 «Ўйна, болажон, ўйна».
9.50 «Мульттомоша».
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Хайр, мактаб.
10.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
10.45, 12.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Истиқлол ғунчалари». Телефильм.
11.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.00 Умид чечаклари.
13.20 «Мағриб тунлари». Бадиий фильм 4-қисм.
14.10 Болалар куйлайди.
14.20 Болалар экрани «Кўк қуш».
15.40 Ёшлар овози.
16.00 «Томоша». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»)
16.30 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни «Бегойим».
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.15 «Мульттомоша».
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 «Олимпиада умидлари-2001». Республика спорт мусобақаларининг ёпилиши маросимидан ёзиб олинган репортаж.
18.10 Болалар куйлайди.
18.25 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни: «Фарзандим-жигарбандим».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Аскар мактублари.
19.55 Аср қиёфаси.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».
20.30, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Сени излаб...» Телевизион бадиий фильм.
21.15 Ёшлик наволари.
21.30 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Олимпиада умидлари-2001». Республика спорт мусобақаларининг ёпилиши маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.

0.40-0.50 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эҳтиром ила».
19.30, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 «Мурувват».
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ. «Фан-фан - муҳаббат атри».
1.20-1.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00.-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
17.20 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури.
18.00 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.35 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Дурдаршан».
21.25 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тоқшоу.
22.05 «Соккер-клуб».
22.25 Кинематограф. «Маҳзун қалблар меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 11.30 ТВ-метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
«Тирик сайёра» кинодастури :
10.20 «Ноилож сайёдлар-6». Ҳужжатли фильм.
11.15 «Қўҳна замин оҳанглари».
11.35 Болалар экрани: «Гаройиб тўти Полли». Бадиий фильм.
13.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Шим ёхуд хотинлар жанжали». Телеҳангома.
15.10 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.
15.45 «Санников ери». Бадиий фильм.
17.15 «Раққоса хиром этса». Мусиқий дастур.
17.30 «Фламинго». Кинодастур.
«Спорт» дастури:
17.50 «Спорт шанбадан -шанбагача».
18.10 «Соғлом авлод учун» касаба уюшмалари спорти.
18.30 «Беҳзод ворислари».
18.45 Эстрада тароналари.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Оталар чойхонаси».
22.05 «Осори-атиқаларимиз».
22.25 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.05 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.40 «Эмма». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Мульттомоша».
9.35 «Ўйна, болажон, ўйна».
9.50 «Футбол плюс...»
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 Болалар экрани «Олтин калитча».
11.35 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду-майдон, 2. Аскар мактублари.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Очил дастурхон.
12.50 «Рамаяна». Телесериал.
13.25 «Соғиниб». Мусиқий дастур.
13.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.15 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
15.40 Ёшлар куйлайди.

15.55 Спорт ҳафтаномаси.
16.10 Хоразм наволари.
17.00 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Мульттомоша».
17.55 «Улуғ сиймолар» туркумидан: «Имом Мотурудий» («Ўзбектелефильм»)
18.15 Кўҳна оҳанглар.
18.30. Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Бу мунис лаҳзалар».
19.35 Синфдош.
20.05 Ёшлик наволари.
20.15, 20.55, 22.40 Эълонлар.
20.20 «Рамаяна». Телесериал.
21.00 «Менинг замондошим» туркумидан: «Чемпион» видеофильми. Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳақида.
21.30 Сиз севган хонанда: Насиба Абдуллаева.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ишқ сурури». Бадиий фильм.
0.30-0.35 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 2001-йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳрим сенга, болажон».
19.10 «Эҳтиром ила».
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.10, 21.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
20.30, 21.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.20 «Ўзбегим навоси».
22.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Ворис».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Қайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Парле ву франсэ?»
11.45 «Фан-тайм».
11.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
14.15-14.45 Немис тили».
***
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Интернет ҳудуди».
РЖТ
17.40 А. Кузнецов «Дўкон растаси ортида» комедиясида.
Уз TV - 4.
19.30 Юрий Антонов иштирокидаги концерт дастури.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Тенгдошлар».
21.05 «Мюзик-холл».
21.

Санъат

«ЎРИК ГУЛЛАГАНДА»

қўшиғи кино учун ёзилганини биласизми?

(Давоми. Боши ўтган сонда),

— Манас ака, баҳор келиши билан «Ўрик гуллаганда» қўшиғингизни хиргойи қилиб юраман. Ҳар гал гулнинг тотини олиб кетган еллар яна қайтиб келди-ку, дегим келади. Сиз топган куйга мос келадиган рангни ҳам атрофдан дарҳол топаман — кўк ранг, гул ранг, баҳор ранги. Хўп ёзгансиз-да ўша куйни.

— Яна битта шундай куй яратсам, армоним йўқ эди, - деб қўйдилар.

Бироз жим кетдик. Хаёлим ўша қўшиқда. Композитор ҳам ўша қўшиқнинг ёзилиши ва биринчи марта ижро этилиши билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаётган эканлар. Менга савол бергандек бўлдилар-у, жавобини кутмасдан, ҳикояларини бошладилар:

— 1964 йилнинг қиш чилласида хонадонимизга «Ўзбекфильм»дан вакил келди. «Ойдин саҳифа» фильмимизга қўшиқ керак бўлиб қолди. Тез ёзиб берасиз» деб туриб олди. «Ўйлаб кўраман» десам кўнмади. «Фильм тайёр, қўшиғингизни киритамиз-у, асарни топширамиз» деди - қистаб. Фильмга ёзилган мусиқани кино тасмасига кўчириб, тасвир билан боғлаш ҳам анча вақт олишини билардим. Студия вакили ташлаб кетган, аслида эса менга азалдан маълум бўлган шеърни ўқидим-у, ўз-ўзидан қандайдир оҳангларни илғаб ола бошладим.

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол...
бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол...

— Наҳотки, куй шунчалик тез туғилди? Авжларини ҳам дарҳол топа қолдингизми? - деб сўрадим.

— Буёғини суриштирманг, ҳар қалай ярим тунда ашула тайёр бўлганга ўхшади. Куйни қайта-қайта чалавердим. Гоҳ секинроқ, гоҳ эса овозимни баралла қўйиб қўшиқ айтавердим. Юрагим ҳаприқарди. Энди қачон тонг отади-ю, студияга партитурани топшираман-у, оркестр қачон чалади-ю, хонанда шеърни қачон ёдлайди-ю, деб ўйлаб қолдим. Бетоқат бўлдим. Тўғрисини айтсам, қўшиқ хушовоз хонанда ижросида қандай янграркин, деб қизикдим. Телефонни олдим-да, таниш хонандага қўнғироқ қилдим. Турмуш ўртоғи ҳам соз чертишини, унча-мунча ашула айтишини билардим. «Илтимос, тез етиб келинглар. Бир нарса ёздим. Дурустга ўхшаяпти» - дедим. Улар ҳам эринмасдан такси олиб, йўлга чиқишибди. Уйимизда — катта «домда» яхшики, композиторлар, мусиқашунослар туришади. Вақт ярим кечадан ўтганида ашула айтилаверса, соз чалинаверса, пианино данғиллайверса, кимга ёқади, дейсиз? Хуллас, қўшиқ эр-хотин санъаткорларга ёқиб қолди. Уларга қўшилиб мен ҳам айтавердим. Саҳарда хайрлашдик.

— Кино нима бўлди? Қўшиқни «Ойдин саҳифа» фильмининг ижодкорлари буюртмаси билан ёзган эдингиз-ку!

— Ҳа, кинога ёзиб олинди. Лекин биргина эпизодда бир-икки қатор эшитилди, холос... Ашуланинг ҳаммасини экранда беришмади. Хафа бўлмадим. Чунки ўша фильм, унинг ижодкорлари сабаб ажойиб қўшиқ пайдо бўлган эди-да!

Манас ака «Мафтунингман» кинокомедиясига ёзган «Тошкент ҳақида қўшиқ», «Сартарош қўшиғи» ҳам ёқимли, барчага лирик кайфият ато этди. «Суҳайл ва Меҳри» фильми — балети эса шунчалик ранг-баранг, бир-биридан гўзал, нафис куйларга бойки, такрор-такрор тинглагинг, кўргинг келади.

Шундай сержило, сермазмун кино мусиқасини бойитишга қодир бўлган Мутаваккил Бурҳонов, Мирҳалил Маҳмудов, Анвар Эргашев каби композиторлар имкониятларидан фойдаланиб, мусиқали, рақс, ашулаларга бой фильмларнинг янада кўпроқ яратилишидан томошабин умидвор.

Архив

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Назм бўстони

ОНА КАБИ ЯГОНА ТЎРТЛИКЛАР

Ватан Каъба мисол азиз саждагоҳ,
Боболар кўз суртган муқаддас тупроқ.
Унинг қадрига ким етмаса, эвоҳ,
Умри мазмунсиздир, ўзи-чи — гумроҳ.

Ватандир меҳрибон, мушфиқ бир она,
Она каби якто, ягона Ватан.
Фарзандмиз, эмасмиз асло бегона,
Онага тик боққан кетгай бекафан!.

Иссиқ бағрингдаман, дейман шукрона,
Улуғ зотлар ўсган кўҳна беланчак.
Мисли маржон ичра асл дурдона,
О, Ватан, ишқингла тепади юрак!

Мансабу бойликка етишса биров,
Кўзига ўзгача кўринар олам.
Ҳаёт ўткинчидир, унутма буни,
Афсус чекмасликни ўйлагин ҳар дам.

* * *

Манфаат кетидан қувмагил зинҳор,
Бир куни, албатта қилар сени хор.
Сабру қаноатда камолот сири,
Кўп завол кўргайсан бўлсанг беқарор.

* * *

Бойликка ҳирс қўйсанг ва бўлсанг сармаст,
Бошингга ёғилгай мислиз кулфат.
Бўлсанг фаросатли, донога улфат,
Билки, сендан йироқ ҳамиша офат.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Машҳурлар ҳаётидан

ҚАЙСАР ФОССЕТ САФАРДА

Дунёга ўзининг қайсарлиги билан донг таратган америкалик сайёҳ Стив Фоссет бир ўзи ҳаво шарида Ерни айланиб чиқмоқчи. Бу гал С.Фоссет саёҳатини Австралия чўлларидан бошлаш ниятида. Бу ердаги кучли шамол ҳаво шарининг етарлича кўтарилиб олишига имкон беради.

У илгари ҳам учиш аппарати ёрдамида бир неча бор Ерни айланиб чиқишга уриниб кўрган эди. 1995 йилда Сеулдан бошлаган парвозини Канадада тўхтатишга мажбур бўлди. Ўшанда 9 минг километр масофани босиб ўтганидан сўнг ҳаво шари ерга қулаб тушган эди. Бундан ташқари, унинг 1998 йили британиялик миллиардер Ричард Брэнсон билан ҳамкорликда уюштирган сафари худди шу тарзда Гавайи ороллари ниҳоясига етган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ.

«ҚОР ОДАМ» ЯНА ПАЙДО БЎЛДИ

«Қор одам» ҳақидаги хабарлар энди тинчиган пайтда, Тибет томонда янги миш-мишлар оралаб қолди. Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Тибет пойтахти Лхасида «қор одам» пайдо бўлган, лекин ҳеч кимга зарар етказмасдан ўрмон ичига кириб кетган.

БАҲОР РАНГЛАРИ

Андижон шаҳридаги ўқувчилар саройида «Баҳор ранглари» деб номланган либослар танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда ижодий марказларда бичиш-тикиш, дизайн сирларини ўрганаётган ёшлар ўзлари яратган янги моделлар билан қатнашдилар.

Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган либослар кўргазмаси ўзининг миллийлиги, шу билан бирга замонавийлиги хушбичим ва қулайлиги билан кўпчиликни мафтун этди.

Танловда Шаҳрихон ва Жалолқудуқ туман болалар ижодий маркази вакиллари ғолиб чиқишди. Уларга вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари ҳамда ушбу тадбирга ҳомийлик қилган «Шаҳрихон-Лада» корхонасининг қимматбаҳо мукофотлари топширилди.

Шоҳмот ҳангомалари

«ТУШУНДИМУ, ЎЙНАМАЙ ҚЎЙДИМ»

1967 йили Москва Давлат университетида ўтказилган шахматга бағишланган йиғинлардан бирида собиқ шахмат чемпиони Михаил Ботвинник «Шахмат истиқболи» мавзуида маъруза қилади. У тингловчиларни шахматни яхши ўйнай оладиган машиналар яратиш ғоялари билан таништирар экан, шундай дейди:

— 1962 йили Флор билан бирга Грузияда бўлган эдик. Ўшанда бизни полизчиликда донг таратган бир хўжалик билан ҳам таништиришди. Флор журналист эмасми, дарҳол интервю олишга киришди:

— Футболни севасизми, ўйингоҳга бориб турасизми?

— Бир неча марта бориб, гап нимадалигини тушундиму, шундан кейин бормай қўйдим, - деб жавоб берди кутилмаганда раҳбар.

— Шахмат ҳам ўйнайсизми?

— Бир неча бор ўйнаб кўрдиму, гап нимадалигини тушундим, шу- шу ўйнамай қўйдим, фақат тарвуз етиштириб турибман.

Мен ҳам ўша раҳбарга ўхшаб шуни айтишим мумкинки, - деди Ботвинник жилмайиб, - агар электрон ҳисоблаш машинаси учун дастур тузиш қўлимдан келсаю, у шахматни одамдек яхши ўйнай олса, шахматнинг сири нимада эканлигини билган мен ҳам ўйнашни йиғиштирсам бўлади.

КЎЧМА КУБОККА ШЛЯПА

1954 йили Африканинг Солсбери шаҳридаги шахмат сеансларидан бири тугагач, кийимхона беркилиб қолади ва собиқ жаҳон чемпиони профессор Макс Эйве шляпасини ололмайди.

Сеанс мутасаддиси Эйвега шляпасини аэродромга олиб боришни ваъда қиладию аммо унутиб уйида қолдиради:

— Илтимос қиламан, маэстро, мана буни ола қолинг, - дейди-да, Эйвега яп-янги нейлон шляпасини узатади.

— Жуда соз!, - дейди Эйве, - пулини тўласам бўладими?

— Асло. Шахмат клубимиздан сизга совға.

— Миннатдорман, - дея қўшиб қўяди Эйве, - ундай бўлса менинг шляпамни кўчма кубок тариқасида ишлатарсизлар!

1955 йилнинг бошларида Солсберида мусобақа ўтказилиб, унинг номини: «Анъанавий турнир» деб атайдилар ва қўшиб қўядилар: «Ким ғолиб чиқса кўчма мукофот — гроссмейстер Эйвенинг шляпасини олади».

Шу-шу шляпа кўчма мукофот бўлиб қолди.





МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала вазиятда ҳам юриш оқлардан. Сиз қандай ўйнаган бўлардингиз?

Мамажон МУХИДДИНОВ.

БОШҚОТИРМА

ДИАГОНАЛ БЎЙИЧА: 1.Саноатда ишлатиладиган инерт газ. 2.Европадаги давлат пойтахти. 3.Дунё томони. 4.Молия муассасаси. 8.Муқаддас даргоҳ, жамият асоси. 9.Беш достондан иборат асар. 10.Манманга — завол, камтарга — ... (мақол). 11.Тоғлардаги тик ўйиқ жой. 12.Тожикистондаги Турсунзода шаҳрининг аввалги номи. 13.Электрод. 14.Аланга, ўт. 15.Тўқимачилик ашёси. 19.Ҳинд аёллари либоси. 20.Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 21.Қадимий меъморлик иншооти. 22.Номуносиб, таънага қолдирадиган иш. 23.Тиришқоқлик, машаққат билан эгалланади. 24.Ўсимлик аъзоси. 25.Учбурчак шаклдаги торли, тирнама мусиқа асбоби. 26.Жун газлама тури. 30.Пилла қуртидан олинадиган ашё. 31.Испания футбол командаси. 32.Жанубий Америкадаги давлат. 33.Дурадгорлик асбоби.

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА: 5.Ўзбек адиби, «Мирзо Улуғбек» драмаси муаллифи. 6.Патлари яшил, бигиз тумшуқли, жарларга уя соладиган қуш. 7.Ўзига тортувчи, жалб этиш хусусиятига эга бўлган нарса. 16.Саҳро ўсимлиги. 17.Мезозой эрасида яшаган, қирилиб кетган йирик судралувчи ҳайвон. 18.Муқимий шеъри. 27.Япония ҳудудидаги йирик шаҳар. 28.Долзарб мавзуда ёзилган мақола. 29.Миллий ширинлик тури.



МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоий замондоши, қасиданавис шоир ва бастакор — 4,3,7,1,3,17.
2. Миллий кийим — 6,13,7.
3. Саноатлашган турар-жой ҳудуди — 18,2,14,2,12.
4. Манзарали ўсимлик — 11,10,8.
5. Яхна таом — 16,2,15,3.
6. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта муассасаси — 9,2,5,2,9.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларидаги мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Улардан ислом оламининг чаҳорёрларидан бири бўлмиш Ҳазрат Али меросига мансуб насиҳатлардан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетамизнинг 73 - сонидаги бошқотирма жавоблари

Энига:1.Секундант. 4.Термометр. 8.Мажлис. 9.Норин. 10.Даҳлиз. 11.«Тайд». 12.Баҳо. 13.Обхона. 15.Мақола. 17.Ясовул. 19.Мастава. 21.«Гулхан». 23.Атлетика. 24.Адъютант. 25.Мансаб. 28.Анеронд. 29.Мадрид. 34.Аксари. 36.Иморат. 37.Жазм. 38.Саёқ. 39.Ертўла. 40.Брахт. 41.Бургут. 42.Австралия. 43.Миллиметр.

Бўйига:1.Симфония. 2.Даста. 3.Тандир. 4.Танбур. 5.Мудом. 6. «Розмарин». 7.Ареометр. 14.Олов. 16.Қатл. 18.Олтин. 19. Макка. 20.Аждод. 22.Ҳунар. 25.Ўрганган. 26.Метатеза. 27.Сўна. 30.Доро. 31.Диктатор. 32.Гамбия. 33.Рустам. 35. Ижара. 36.Иқбол.

Сўнгги хабар

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Кеча Тошкентда Британия Кенгаши, Италия, Польша, Франция, Чехия, Швейцария Конфедерацияси элчихоналари, Белгия қироллиги консуллиги ва Алишер Навоий номидаги санъат саройи дирекцияси ҳамкорлигида «Европа киноси кунлари» бошланди. А.Навоий номли Санъат саройида Европа давлатлари, хусусан Буюк Британия, Германия, Италия, Польша, Белгия, Франция, Чехия ва Швейцариянинг фильмлари 2 тилда — таржимада ва соф тилда намойиш этилмоқда.

Фильмлар намойишидан сўнг режиссёрлар билан мулоқот ўтказилади. «Европа киноси кунлари» 3 июнгача давом этади.

Саодат УСМОНОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босма коли 21.00 Топширилди 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6